

Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University

1/2023



BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI



1/2023

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI
SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY
НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА

Ilmiy-nazariy jurnal
2023, № 1

Jurnal 2003-yildan boshlab **filologiya** fanlari bo'yicha, 2015-yildan boshlab **fizika-matematika** fanlari bo'yicha, 2018-yildan boshlab **siyosiy** fanlar bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruriy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2000-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 6 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2020-yil 24-avgust № 1103-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Muassis: Buxoro davlat universiteti

Tahririyat manzili: 200117, O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy.

Elektron manzil: nashriyot_buxdu@buxdu.uz

TAHRIR HAY'ATI:

Bosh muharrir: Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o'rinbosari: Rasulov To'liqin Husenovich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), dotsent

Kuzmichev Nikolay Dmitriyevich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor (N.P. Ogaryov nomidagi Mordova milliy tadqiqot davlat universiteti, Rossiya)

Danova M. Filologiya fanlari doktori, professor (Bolgariya)

Margianti SE. Iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Indoneziya)

Minin V.V. Kimyo fanlari doktori (Rossiya)

Tashqarayev R.A. Texnika fanlari doktori (Qozog'iston)

Mo'minov M.E. Fizika-matematika fanlari nomzodi (Malayziya)

Adizov Baxtiyor Rahmonovich – pedagogika fanlari doktori, professor

Abuzalova Mexriniso Kadirovna, filologiya fanlari doktori, professor

Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor

Barotov Sharif Ramazonovich, Psixologiya fanlari doktori, professor, xalqaro psixologiya fanlari akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

Baqoyeva M.K., filologiya fanlari doktori, professor

Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor

Djurayev D.R., fizika-matematika fanlari doktori, professor

Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Olimov Shirinboy Sharofovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Umarov B.B., kimyo fanlari doktori, professor

Murodov G'ayrat Nekovich, filologiya fanlari doktori, professor

O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor

Navro'z-zoda Baxtiyor Nigmatovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Hayitov Shodmon Ahmadovich, tarix fanlari doktori, professor

To'rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor

Rasulov Baxtiyor Mamajonovich, tarix fanlari doktori, professor (Andijon davlat Pedagogika instituti rektori)

Boboyev Feruz Sayfullayevich, tarix fanlari doktori (O'zR FA tarix instituti yetakchi ilmiy xodimi)

Jo'rayev N.K., siyosiy fanlar doktori, professor

Qurbonova Gulnoz Negmatovna, pedagogika fanlari doktori (DSc), professor

Jumayev Rustam G'aniyevich, siyosiy fanlar nomzodi, dotsent

Quvvatova Dilrabo Habibovna, filologiya fanlari doktori, professor

Axmedova Shoiri Nematovna, filologiya fanlari doktori, professor

Amonova Zilola Qodirovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Zaripov Gulmurot Toxirovich, texnika fanlari nomzodi, dotsent

Ismatullayeva I.I.	Hozirgi zamon tilshunosligida konseptni o'rganish metodlari, usullari va klassifikatsiyasi	135
Mehmonova Y. Ch.	Typology of collocations in combinatorial linguistics	139
Nuniyazova Sh. U., Djumabaeva J.Sh.	Comparative analysis in translation of English idioms and set expressions into Uzbek and Russian	144
Rajabov E.E.	O'zbek va ingliz tillaridagi "oila" tushunchasi konseptual maydonining lingvokognitiv tahlili	148
Ruziyeva N. X.	Zamonaviy tilshunoslikda matn va diskurs talqini	153
Xodjayeva D.I., Safarova M.H.	Ingliz tilini o'qitishda fonetik interferensiyaning o'rni	157
Samandarova G.Y.	Sodda gap ko'rinishidagi "hasharot" lug'aviy ma'no guruhlari asosida shakllangan paremalarning o'ziga xos xususiyatlari	161
Sayfullayev B.N.	Noqardosh tillarda o'zlashtirmalik (o'zbek va fransuz tillari misolida)	165
To'yboyeva Sh.R.	Fransuz tilida sodda gap tarkibiy qismlarini tarjima qilishda yuzaga keladigan muammolar yechimi	170
Абдурахманова М.У.	"Кўрлик" касаллигининг ўзбек, рус, инглиз тилларидаги лингвистик-семантик тадқиқи	174
Ахмедова М.Х.	Ўқув жараёнига тааллуқли ноадабий сўзларнинг психолингвистик хусусиятлари	180
Вахидова Ф.С.	Дискурсада диний туризм ва зиёрат туризми терминларининг воқеланиши	183
Avezov S.S.	A Corpus-based approach to phraseology research	189
Kobilova A.B.	Ingliz va o'zbek tibbiy perifrazalarining semantik mikromaydonidagi lingvokulturologik xosliklari	194
Bobokalonov R.R., Narzulaeva D.B.	Vocabulary of the Qur'an in the object of theolinguistics	203
Nazarova G.P.	Muloqotda gender farq muammolari xususida	210
Raxmatov A.P.	Plusquamperfekt zamon shaklining grammatik ma'nolari va uning kontekstual tahlili (nemis tili misolida)	215
Sayidova G.Y.	Alisher Navoiy nazmiy asarlaridagi o'xshatishlarning leksik-grammatik tabiati	221
Rasulov Z.I., Yuldasheva F.E.	Xushmuomalalikning nutq odobida ifodalanishi	232
Бозоров З.А.	Речевая культура в качестве неотъемлемой части языковой культуры личности	240
Мавлонова М.Д.	Инглизча ахборот технологиялари терминларининг ўзбек тилига ўзлашиш жараёнида маъно торайиши ва кенгайиши ходисалари	245
Шарипова А.А.	Луғат корпусини яратиш технологияси	251
Hayotova D.Z.	Tushuncha va so'z munosabati	255
Mamatova D.M.	Xitoy tilida ta'm bildiruvchi sifatlar tahlili	259
Сафаров Ф.С.	Маънодошлик қаторидаги сўзлар орасидаги маъновий муносабат ҳақида	266
Akhmedova D.B.	Semantic comments in an explanatory dictionary and their processing as a semantic extension	272
ADABIYOTSHUNOSLIK *** LITERARY CRITICISM *** ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ		
Темирова Дж. Х.	Отражение национальной картины мира в русском и узбекском детском фольклоре	277
Насруллаев Э.Ж.	Алишер Навоий "Ҳикмат ва ибрат достони"нинг ғоявий таҳлили	284
Шарипова Л.Ф.,	Шекспир ва Рауф Парфи сонетларида бадиий тасвир	288

Қаюмова Н.М.	воситаларининг кўлланиши	
Fayziyeva M.Ch.	Amerika va o'zbek badiiy diskursida sadoqat va xiyonat g'oyalari talqini	292
Juraqulova G.M.	Biographic elements in "Jane Eyre" by Charlotte Brontë	296
Kadirova N.A.	Complex nature of the term "motif" in literary criticism, and the analysis of one of its variations on the example of the uzbek folk tale "Mokhistara"	300
Rakhmatova M.M., Fayziyeva Sh.R.	Literature review on the analysis of academic integrity challenges in muslim countries	304
Pulatova S.Sh.	Factors leading to family happiness in the short story "A marriage of convenience" by William Somerset Maugham	310
Xudoyev S.S.	Nemis adabiyotshunosligida topishmoq janrining tadqiq-u tavsifi	314
Zokirova N.S.	Tarjimada lingvokognitiv dunyo manzarasi, lingvistik ong va lingvistik anglashning o'zaro munosabatlari	319
Каримова Д.Х.	Таржимада вариантлик ва инвариантлик тушунчаларининг специфик хусусиятлари	324
Мамадиярова Ю.А.	Бадий таржимада меъморий экфрасис матнлар таҳлили	331
Содиқова Д.Т.	Муслихабегим Мискин шеърятининг образлар олами ва уларнинг поэтик функцияси	337
Rakhmatova Sh.B.	Reflection of feminism and ecofeminism in Dorris Lessing's work "The cleft"	345
Азимова М.С.	Садриддин Салим Бухорий ижодида ғазал жанри	349
Бабаев О.А.	Жалолiddин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асарининг жаҳон адабиётида ўрганилиши	352
Тўраева Л.О.	Ўрим кўшиklarининг образлар таркиби ва бадий-композицион хусусиятлари	357
Хамдамова С.Б.	Уильям Батлер Йейтс ижодида модернистик шеъринг техникаларининг кўлланилиши	362
Bahronova B.B.	Badiiy adabiyotda ijtimoiy munosabatlar va madaniy hayot talqini	368
Qodirova S.A.	"Devonu lug'otit turk" va "Zarbulmasal" asarlarida qo'llanilgan maqollarning qiyosiy-tipologik tahlili	372
Ражабов Т.А.	Замонавий ўзбек шеърятда бадий кўчимларнинг лисоний-бадий таҳлили	376
Норова Н.Б.	Усмон Кўчқор лирикасида тош ва тупроқ образларининг кўлланилиши	380
Qurbonova N.R., Mustafoyeva M.A.	Jahon adabiyotida sonet janri tadriji	384
Sayliyeva Z.R.	Ibrohim Haqqul asarlarida tasavvufga munosabat	389
MATNSHUNOSLIK VA MANBASHUNOSLIK *** TEXTOTOLOGY AND LITERARY SOURCE STUDY *** ТЕКСТОЛОГИЯ И ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ		
Olimova M.S.	Huvaydo she'riyatida tasavvuf ohanglari	395
Baxtiyorova G.M.	Ahmad Yassaviy toshbosmalarida Qur'on oyatlari talqini	400
"NAVOIY GULSHANI"		
Sayliyeva M.R.	About the artistic world of the great artist	405
HISTORY		
Safarli N.T.	Formation and development of higher education institutions in Nakhchivan during the Soviet era	408
Xaitov Sh. A., Ahmadov A.A.	XX asr boshlarida Rossiya-Afg'oniston savdo-sotiq aloqalari va Afg'oniston armiyasi D.N. Logofet talqinida	415

**ШЕКСПИР ВА РАУФ ПАРФИ СОНЕТЛАРИДА БАДИИЙ ТАСВИР
ВОСИТАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ**

Шарипова Лайло Фрунзеевна,

Бухоро давлат университети

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори

l.f.sharipova@buxdu.uz

Қаюмова Низора Мухтор қизи,

Бухоро давлат университети

факультетлараро Чет тиллар кафедраси ўқитувчиси

n.m.qayumova@buxdu.uz

Аннотация: *Ғарб шеърятининг ўзига хос жанрларидан бири сонет бўлиб, XX асрда ўзбек шеърятига кириб келди. Италиян шеърятидан инглиз шеърятига ўтган бу жанрда Шекспир, Байрон сингари шоирлар баракали ижод қилдилар. Ўзбек шеърятига сонетнинг илк намунасини Усмон Носир ёзган бўлса, Рауф Парфи ривожлантирди. Шекспир ва Рауф Парфи сонетлари бадиий жиҳатдан юксаклиги билан дунё сонетчилигида алоҳида ўрин тутади. Мақолада икки сонетнависнинг бадиий санъатларни қўллашдаги маҳорати хусусида фикр юритилган.*

Калит сўзлар: *сонет, адабиёт, Шекспир, Рауф Парфи, таржима, анафора, бадиий тасвир воситалари, сонетнавис, сатр, лирика.*

Аннотация: *Одним из уникальных жанров западной поэзии является сонет, вошедший в узбекскую поэзию в XX веке. Такие поэты, как Шекспир и Байрон, создали в этом жанре благословение, перешедшее из итальянской поэзии в английскую поэзию. Усман Насир написал первый образец сонета в узбекской поэзии, его разработал Рауф Парфи. Сонеты Шекспира и Рауфа Парфи занимают особое место в мировых сонетах благодаря своему высокому художественному качеству. В статье рассматриваются навыки двух сонетистов в использовании литературных приёмов.*

Ключевые слова: *сонет, литература, Шекспир, Рауф Парфи, перевод, анафора, литературные приёмы, сонетописец, строка, лирика.*

Abstract: *One of the unique genres of Western poetry is the sonnet, which entered Uzbek poetry in the 20th century. Poets such as Shakespeare and Byron created a blessing in this genre, which passed from Italian poetry to English poetry. Usman Nasir wrote the first example of sonnet in Uzbek poetry, Rauf Parfi developed it. The sonnets of Shakespeare and Rauf Parfi occupy a special place in world sonnets due to their high artistic quality. The article discusses the skills of two sonnet writers in the use of artistic arts.*

Keywords: *sonnet, literature, Shakespeare, Rauf Parfi, translation, anaphora, literary devices, sonnet writer, line, lyric.*

Қириш. Сонет Ғарб лирикасининг ўзига хос жанри бўлиб, ўзбек шеърятига XX асрда кириб келди. “Сонет” италянча сўз бўлиб, “қўшиқ” деган маънога эга. Ўн тўрт мисрадан иборат, иккита катрен, иккита терсетни ўз ичига оладиган, қатъий шеър шаклларида бири сонет [4.279.] дейилади. Атоқли адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул шундай ёзади: “Сонет худди Шарқ шеърятигаги ғазал ва рубоийга ўхшаб юксак талаб, қатъий қонун-қоида, дахлсиз шартларга тобе жанрдир” [2.225.] Сонет (итальянча сонаре – янграмок) – жаҳон поэзиясида кенг ёйилган лирик жанр. У дастлаб Италияда пайдо бўлган ва сўнг жаҳонга тарқалган. Италияда XIII-XIV асрларда Данте, Петрарка, кейинчалик Микеланжелло; Англияда В.Шекспир (XVI аср), Полшада Мицкевич, Россияда А.С.Пушкин сонетлари жаҳонда шухрат тутган. Рус адабиёти таъсирида ўзбек поэзиясида ҳам сонет жанри кириб келди. Усмон Носир ва Барот Бойқобилов сонетлари ўзбек адабиёти хазинасига кўшилган муносиб ҳиссадир. Сонетнинг аънавий-поетик белгилари: сонет шаклига кўра 14 мисрадан ташкил топади; шеър композиция жиҳатидан икки қисмдан иборат: биринчи қисм икки тўртлик банд бўлиб, у “катрен” ва иккинчи қисм икки учлик банд бўлиб, у “терсет” деб юритилади. Катрен ва терсетлар бир-бирига боғлиқ бўлади.

Шеър шакл сўзлардан ажойиб имкониятларни максимум даражада “сўраб олади”, туйғуларнинг нозик ва турфа тўқималарига эътиборни қаратади, хиссий-шуурий таъсирчанлик

холатлари тасаввурини беради. Сонет ҳам шундай шеъринг шакл бўлиб, қатъий тизимли бўлишига карамай, унда ҳиссиёт эркин, лекин лаконизмдан фойдаланган ҳолда ифода этилади. Шеърнинг композицион қурилишидаги қатъий қонуниятлар, яъни 14 қатор бўлиши, олдинги тўртлик бандлар катрен, кейинги иккита учлик бандлар терсет эканлиги жанрнинг спесифик хусусиятини ташкил этади. Жаҳон сонетнавислигида қофияланиш тартибида турли хил шакллар кўзга ташланади. Бунга италянча а-б-а-б а-б-а-б (ёки а-б-б-а а-б-б-а) с-д-с д-с-д (ёки с-д-э с-д-э), франсузча а-б-ба а-б-б-а с-с-д э-э-д ва а-б-а-б с-д-с-д э-ф-э- г-г инглизча шаклларни мисол тарзида келтириш мумкин. Жаҳон ва ўзбек сонетнавислари ижодининг тадрижий тараққиёти ўрганилганда, бошқа адабий ҳодисалар қатори даврлар силсиласида сонет ҳам такомиллашганига гувоҳ бўлиш мумкин. Услуб – асарнинг яхлит композициясидан тортиб алоҳида сифат белгисигача бўлган барча элементлар бирлигидир. Сонетнавислар ижодида ҳам, жанрдаги қатъийликка карамай, ҳар бир ижодкорнинг ўз услуби бўлган. Сонетнинг мумтоз шаклига кейинги даврларда бошқа ўзгаришлар ҳам киритилган.

Асосий қисм. Ушбу мақолада сонет жанри тадқиқот объекти сифатида олиниб, инглиз ва ўзбек адабиётида Шекспир ҳамда Рауф Парфи каби шоирлар томонидан яратилган сонетлар қиёсий метод асосида таҳлил қилинди. Рауф Парфи сонетлари мавзу ранг-баранглиги, ифоданинг оригиналлиги, поетик тафаккурнинг бетакрор ифодалари билан ажралиб туради. Шоирнинг сонет жанрига мурожаат қилишига сабаб сифатида руҳият қомиллигига интилиш ва бунда устозлар йўлидан юриш истаги, шунингдек, тўқислик ижодкор томонидан шеърнинг шакли учунгина қўйилган талаб бўлмасдан, балки мазмун ва моҳият тақозо қилган талаблардан эканлигини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, ижодкор руҳиятидаги мураккаб шуурни, руҳият эврилишларини қатъий қонуниятли жанрда жиловлаб олиш қобилиятини шакллантиришга интилиш дея изоҳлаш мумкин. Рауф Парфи кўпчилик катта истеъдод эгалари сингари энг баланд идеалларга, энг юксак натижаларга интилади.

Шекспир сонетлари инглиз адабиётида кўплаб тортишувларга сабаб бўлган. Шекспирунос олимлар шоирнинг биринчидан бир юз йигирмагача бўлган сонетларини сирли дўстига, бир юз йигирма саккизинчидан бир юз эллик иккинчигача бўлган сонетларини қорасоч хонимга бағишланган деб ҳисоблашади. Бу жанрда яратилган шеърлар дунё, жумладан, инглиз шеърлятида кенг тарқалган, Шекспир сонетлари инглиз сонетчилигида алоҳида ўрин тутди. Бу сонетлар ўзбек тилига дастлаб рус тили орқали таржима қилинган. Илк мутаржимлар атоқли шоир Максуд Шайхзода ва Юсуф Шомансурлардир. Аммо улар рус тилига ўғирилган сонетларни ўзбекчага ағдардилар, яъни таржимадан таржима қилдилар. Жамол Камол эса инглиз тилидан-тўғридан тўғри таржима қилди. Шекспирнинг 154 та сонети шоир Жамол Камол сайланмасининг 7-жилдида берилган.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Биз ушбу мақолада Шекспир ҳамда Рауф Парфи сонетларида қўлланган бадиий санъатларни тадқиқ қилишни мақсад қилдик. 40-сонетнинг тўртлик шаклидаги биринчи бандида анафора санъати қўлланган, яъни биринчи ва иккинчи сатри “сен” сўзи билан бошланган:

Сен қалбимни олдинг, олдинг боримни,
Сен олмаган яна нима бор менда?
Олдинг эркимни сен, ихтиёримни,
Молу бисотимнинг бариси менда [1;273].

Бу санъат “сўз ёки сўзлар гуруҳининг мисра ёки банд бошида такрорланиши, сўз такрорининг хусусий кўриниши” ҳисобланади. “Анафора” сўзи юнонча бўлиб, “олдинга, юқорига чиқариш” деган маъноларга эга[4;30]. Юқоридаги банднинг ўзида анафорадан ташқари такрир, тажохули ориф, таъдил бадиий санъатлари бор. Биринчи мисрада “олдинг” сўзи кетма-кет келтирилган экан, шоир лирик қахрамоннинг ҳолатидаги ночорликнинг илдизларини очиб беришга эришган ҳамда такрир санъатини юзага келтирган. “Сен олмаган яна нима бор менда?” мисрасида билиб-билмасликка олиш орқали риторик сўрок ёрдамида тажохули орифни қўллаган. “Қалбимни”, “эркимни”, “ихтиёримни”, “бисотимнинг” содда отлари бирма-бир берилган экан, кетма-кет келиши сабабли таъдил ҳосил қилинган.

Илми бадеъда радд санъатининг садр ул-ибтидо дейилган кўриниши ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу бадиий санъат анафорага монанд, аммо айнан ўзи эмас. Чунки садр ул-ибтидо аруз шеъринг тизими асосида яратилган асарларда учрайди. Аммо бармоқ шеъринг тизимидаги шеърларда борлигини тадқиқ қилаётганлар ҳам бор. Демак икки санъатнинг бир фарқи қолади: садр ул-ибтидода сатрнинг биринчи рукнидаги сўз иккинчи сатрнинг биринчи рукнида айнан учраши лозим, яъни сатрларнинг биринчи сўзи бўлиши шарт эмас.

Анафорада бир сатрдаги биринчи сўз қандай бўлса, кейинги сатр айнан шу сўз билан бошланиши лозим. Фақат икки сатр эмас, учинчи, тўртинчи сатр ҳам шу сўз билан бошланиши мумкин:

Наҳот, иймон ўчган, топталган ҳуқуқ,
 Наҳот, бу миллатнинг қаҳрамони йўқ,
 Наҳот, бу миллатнинг шоири йўқдир[3;370].

Рауф Парфи сонетининг биринчи терсетида анафора қўлланган. Қизиғи шундаки, терсетнинг уч мисрасида ҳам “наҳот” сўзи анафорани юзага келтирган, аммо биринчи мисрадан фаркли ўларок иккинчи ва учинчи мисрада анафора “Наҳот, бу миллатнинг” тарзида келган. Тадқиқ давомида Шекспир ва Рауф Парфи сонетларида анафора кўп учраши эътиборимизни тортди. Агар Шекспир сонетларида таржима жараёнида анафора ҳосил қилинган бўлиши мумкин деб ўйласак, Рауф Парфи сонетлари анафора бу шеърини жанрда кўп учрайди деган хулосамизни далиллайди:

Қаён кетмақдасан ёниб, қаҳрамон,
 Қаён кетмақдасан, эй ёнғин – Аёл[3;322].

Бу мисралар “Ёнаётган аёл” номли сонетнинг биринчи катренидан олинган. Иккинчи катренида “Тўхта” сўзи, биринчи терсетида “Ёнаётган аёл” сўз бирикмаси анафорани юзага келтирган. Шўро ҳукмронлигининг охириги йилларида Ўзбекистонда аёлларнинг ўзига ўт қўйиши, бунинг оқибатида аёлларнинг фожиали ўлими кўпайди. Бундан шоир юраги ларзага келди ва ушбу сонетни яратар экан, ўз ҳаяжонини, изтиробларини ифодалашда анафора имкониятларидан фойдаланди. Шу сабаб бир сонетнинг уч ўрнида бир бадиий санъатни қўллади.

Икки шоир сонетларида ҳам бундай мисоллар кўп:
 Қайси дилбар сенга қучоғин очмас,
 Қайси жонон кўрмас меҳрини раво? [1;236]

Бу мисраларда анафорадан ташқари “қ”, “с”, “р” каби товушларнинг кетма- кет қўлланиши натижасида товуш такрори, риторик сўроқ кўмагида тажохули ориф санъати ҳам келган. Бу бадиий санъатлар Рауф Парфи сонетларида ҳам қўлланганини кўрдикки, бу бадиий тасвир воситалари сонетдаги оҳангдорликни, жарангдорликни, таъкидни, ҳис-ҳаяжоннинг қувватини таъминлаб бера олган.

Қирқ қаҳратон кишининг аёз шамоли
 Из солса манглайинг, юзларингга, хай,
 Қайда қолгай сенинг ойдек жамолинг,
 Тенгсиз латофатинг қайларда қолгай? [1;235]

Сонетнинг биринчи катренида “қ” саккиз марта, “й” олти бора, “с” ва “з” тўрт марта такрор келиб, чиройли оҳангдорликни ҳосил қилганини ҳис қилиш мумкин. Айни дамда, жавоб талаб қилмайдиган сўроқ гап тўртинчи сатрда тажохули ориф борлигини кўрсатади. Тажохули ориф шоирнинг кайфиятини англатишда, ҳолатини намоён қилишда шеърхонга кўмакчи бўла олади. Рауф Парфи ҳам аксарият сонетларида тавзеъ ва тажохули орифдан унумли фойдаланган:

Учиб ўтган турнамидир, ғозмидир,
 Лола руҳлар қўлкасими хорасиз.
 Ҳовуч-ҳовуч ичганим овозмидир,
 Чорасизлик чора бўлмиш чорасиз[3;360].

Шоир “Йўловчи” сонетида уч сонетни бирлаштирган. Уч сонетни мавзу бирлаштириб турибди, яъни учаласи ҳам Абдулҳамид Чўлпонга бағишланган. Иккинчи сонетнинг биринчи терсетида “ч” товуши етти бора такрорланар экан, банднинг тўртинчи сатрида уч сўз шу товуш билан бошланган ва ўзига хос жарангни юзага келтирган. Банднинг дастлабки икки сатрида риторик сўроқ орқали тажохули ориф ҳосил қилинган. Кўринадикки, икки сонетнавис ҳам тавзеъ ва тажохули орифни биргаликда қўллай олган. Тавзеъ арабча сўз бўлиб, “таркатмоқ”, “таксим қилмоқ”, “жойлаштирмоқ” маъноларини англатади. Байтда ёки бандда бир хил товушларни такрорлаш” орқали юзага келади[4;295]. Бу бадиий санъат Ғарб адабиётшунослигида аллелтерация, ўзбек адабиётшунослигида товуш такрори дейилади.

Гадо халтасини ўмардинг гўё,
 Эй ўғри гўзалим, огоҳ бўл фақат:
 Муҳаббат яраси битмагай, эвоҳ,
 Нафрат соллмагай мунча жароҳат[1;273].

Тазоднинг келтирилиши лирик қаҳрамон руҳиятидаги зидликларни ошкор қилган. Шоир муҳаббат яраси билан нафрат жароҳатини қарама-қарши қўяди. Севгининг яраси нафрат жароҳатидан ёмон эканини таъкидлаш орқали жавобсиз ишқни тавсифлайди. “Байтда маъно жиҳатидан ўзаро зид, қарама-қарши бўлган сўзларни қўллаш” орқали юзага келадиган тазод бадиий санъат бўлиб, арабча сўз, “зид қўйиш, қаршилантириш” дегани. Ғарб антитеза деса, ўзбекчада қаршилантириш санъати дейилади[5;83].

Шеърят ибтидо, шеърят – охир,
Изтиробдан ўлмас шоирнинг қалби,
Шоирнинг онаси Изтироб ахир[3:374].

Одатда, тазод орқали икки зид тушунча чоғиштирилади. Рауф Парфи эса қаршилантириш кўмагида шеърятни улуғлаган, унинг кудратини, унинг моҳиятини бизга англаган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шекспир ўз шеърятида шарқда кенг тарқалган ташхис – жонлантириш санъатини ҳам моҳирона қўллаганига гувоҳ бўламиз. Бу жонсиз мавжудотларга инсонга хос хусусиятларни кўчириш санъати. Бу куёшнинг тоғлар бошини силаши каби метафораларда намоён бўлади.

Кузатдим субҳидам чикканда куёш,
Тоғларнинг бошини силар эркалар,
Сўнг зумрад ўтлоқка жилмайиб нурпош,
Сувлар симобига юргизади зар.

Хулоса. Хулоса шуки, сонетдаги мазмуннинг бандлараро изчиллиги, ички композицион қурилишида ҳар бир банд мустақил шеър мақомида бўлиши ҳам мазкур жанрнинг шакл ва мазмун муносабатига дахлдор жиҳатларидан ҳисобланади. Лирик композициянинг асосий талабларидан бири зарур ижтимоий вазиятни ва манзур мавзун танлай билиш ҳам сонет жанридаги мазмунга алоқадор ҳолатлардандир. Инглизнинг ва ўзбекнинг икки улуғ шоири гўзал сонетлар яратган. Бу сонетлар бадииятининг юксаклиги кўплаб сабаблар билан бир қаторда бадиий санъатларни маҳорат билан қўлланишида ҳамдир.

АДАБИЁТЛАР:

1. *Жамол Камол. Шайхурраис. Сайланма. Еттинчи жилд. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2022. – 416 б.*
2. *Иброҳим Ҳаққул. Буюк қалб муҳаббати // Китобда: Жамол Камол. Шайхурраис. Сайланма. Еттинчи жилд. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2022. – Б.218-223.*
3. *Рауф Парфи. Сайланма. 2 жилдлик, 1-жилд. – Тошкент: “Muharrir nashriyoti”, 2022. – 416 б.*
4. *Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётмунослик лугати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – 400 б.*
5. *Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ НМК, 1999. – 240 б.*
6. *Раҳмонова С. Сонетлар гулчамбари ва жанр тараққиёти// Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2008. 1-сон, Б. 134-136.*
7. *Шукуров Н. Сонетлар/ бу олам саҳнида. – Тошкент : Адабиёт ва санъат, 1982. – Б. 192-193*
8. *kizi, Q. N. M. ., & Qayumovich, R. M. . (2021). The Poetics of Colors in English Poetry. Middle European Scientific Bulletin, 16. <https://doi.org/10.47494/mesb.2021.16.707>*
9. *Ro'ziyev, M. (2022). Технология обучения немецкому языку на основе третьего периода образовательного процесса. Центр научных публикаций (buxdu.Uz), 3(3). извлечено от https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/4707*